# Фуқаролик жамияти институтлари ривожи ва ижтимоий барқарорлик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу жараёнда маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим институти сифатида мамлакат фуқаролик жамияти тараққиётини жадаллаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Йиғилишда фуқаролик жамияти институтларини тараққий эттиришга кўмаклашиш борасидаги демократик ўзгаришлар тизимли, босқичма-босқич тарзда мамлакатнинг ривожланиши, сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг ўсиш хусусиятлари, аҳолининг дунёқараши ҳамда билимидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши, шунингдек, давлат ва жамият қурилишининг бошқа соҳаларини демократлаштириш ҳамда модернизация қилиш жараёнлари билан узвий ҳамоҳангликда олиб борилиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Иштирокчилар Ўзбекистонда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани ва қонун устуворлиги таъминланиб, тараққиётнинг “ўзбек модели”га асосланган кучли ижтимоий ҳимоя институти шаклланганини қайд этишди.

Йиғилишда фуқаролик жамияти институтларининг қонунларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этаётганига ҳам батафсил тўхталиб ўтилди. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги каби қонунлар ана шулар жумласидандир.

Айтиб ўтилганидек, фуқаролик жамияти институтлари тизимининг ривожланиши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга, демократик қадриятларни амалга оширишга, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилади. Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари улар давлат ҳокимияти тузилмалари фаолияти ҳамда мансабдор шахслар устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали воситасига айланишлари мақсадга мувофиқдир.

Йиғилиш якунида фуқаролик жамияти институтларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида давлат органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, иштирок этиш шакллари, усуллари ва механизмларини тартибга солувчи мавжуд қонунчилик нормаларини такомиллаштириш зарурлигига йўналтирилган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

# Конституция — ёшлар нигоҳида

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан “Конституция — ёшлар нигоҳида” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

Тадбирда ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларга мустақил ҳамда онгли муносабатини шакллантириш, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини навқирон авлодга етказиш, уларда Конституция ва қонунларга нисбатан ҳурмат ҳиссини ҳамда фаол фуқаролик позициясини кучайтириш масалалари иштирокчилар диққат-эътиборида бўлди.

Мамлакатимизнинг Асосий Қонуни барча соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш, юртимизнинг бугунги юксак тараққиётини таъминлаш, ҳар биримизнинг умуммиллий ҳамда умуминсоний ғояларни ўзида мужассам этган мақсадларимизни рўёбга чиқаришда дастуриламал бўлмоқда.

Давра суҳбатида мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилди. Унинг ҳар бир моддаси фуқаролар манфаатларига хизмат қилаётгани, айниқса, ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилаётган имкониятларнинг ҳуқуқий асоси ўз ифодасини топгани атрофлича тушунтирилди.

Эътироф этилганидек, мустақиллик йилларида ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳозирги вақтда юртимизда аҳолининг олтмиш фоизидан ортиғини ташкил этаётган навқирон авлоднинг таълим олиши, замонавий касб-ҳунарни эгаллаши, ўз мутахассислиги бўйича ишлаши ва соғлиғини муҳофаза қилиши, шу билан бирга, оила қуриш, яшаш жойига эга бўлиш каби кўплаб ҳаётий талабларни давлат томонидан кафолатлашга қаратилган кенг қамровли тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Хусусан, етмишдан зиёд олий ўқув юртлари, бир ярим мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар, ўн мингга яқин умумий ўрта таълим мактаблари, беш мингга яқин мактабгача таълим муассасаларида 7 миллион нафардан ортиқ фарзандларимиз таълим-тарбия олаяпти. Шунингдек, кўплаб болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари ҳамда олий спорт маҳорати мактабларида тайёрланаётган юқори малакали, истеъдодли спортчиларимиз Ватанимиз довруғини дунёга танитаётир.

Анжуманда Конституциямизнинг ёшларга оид нормалари қатор қонун ҳужжатларида ўзининг тўла ифодасини топгани қайд этилди. Чунончи, ўтган даврда болалар ва ёшларга оид бир қатор қонунлар қабул қилингани, Олий Мажлис томонидан уларнинг ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар ратификация қилингани бунга яққол мисолдир.

Иштирокчилар болалар ва ёшлар масаласи парламентнинг доимий эътиборида бўлиб келаётганини ҳам таъкидлаб ўтишди. Жумладан, 2016 йил 14 сентябрда имзоланган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мақсадлари ва тамойиллари, уларнинг ҳуқуқий ҳамда ижтимоий муҳофазаси масалалари, таълим олиш ҳуқуқи, иқтидорли ёшларга нисбатан давлат кўмагини амалга ошириш каби жамият ривожланиши учун зарур ва долзарб масалалар қамраб олингани диққатга сазовор.

Давра суҳбатида парламент қуйи палатаси депутатлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Зиёда АШУРОВА.**

**4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ**

*Мамлакатимизда шу йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юртимиз тарихида, унинг тараққиёти, бугуни ва эртаси учун ғоят муҳим аҳамиятга эга сиёсий тадбирдир. Шу маънода, ҳар бир фуқаро бу жараёнга катта масъулият билан ёндашиб, сиёсий савияси ҳамда ҳуқуқий маданиятини намойиш этган ҳолда овоз бериши айни зарурат ҳисобланади.*

# Ватан равнақи учун овоз берамиз

Юртимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил қиладиган ёшлар сайлов кампаниясига катта қизиқиш ва эътибор билан қараб, алоҳида фаоллик кўрсатаётгани барчамизга мамнуният бағишлайди, албатта. Бу уларнинг ўз тақдирини Ватан тақдири билан уйғун ҳолда кўраётганидан ҳамда шаклланиб бораётган фуқаролик позициясидан далолат беради. Айниқса, сайловда биринчи марта иштирок этадиган йигит-қизларнинг ҳаяжони ўзгача.

Марказий сайлов комиссияси томонидан жорий йил 7 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури ёшларнинг, хусусан, илк бор овоз берадиган йигит-қизларнинг сайлов қонунчилигига оид билим ва кўникмаларини юксалтиришда катта амалий аҳамият касб этмоқда.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Мазкур дастур доирасидаги мулоқотлар, учрашув ҳамда семинарлар ёш сайловчиларга миллий сайлов тизими, унинг ҳуқуқий механизмларидан тўла хабардор бўлиш, ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича мутахассислардан жавоб олиш, ўзаро фикр алмашиш имконини бераётир. Энг муҳими, бундай тадбирлар асносида ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, дунёқараши, демократик ислоҳотларга муносабати яққол намоён бўлаяпти.

— Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлод манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш борасида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар самарасини бугунги кунда ўз истеъдоди, изланиши ва интилиши билан Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган минг-минглаб ёшларимиз тимсолида кўришимиз мумкин, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши бўлим бошлиғи Илёс Раҳимов. — Бундай ёшларимиз онгу шуури ҳамда қалбида юртимиз тақдири, унинг ривожи ва фаровонлигига дахлдорлик ҳамда масъуллик туйғуси юксалиб бораётганига шу кунларда яна бир бор гувоҳ бўлаяпмиз. Президент сайлови кампанияси давом этаётган айни кунларда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида йўлга қўйилган “Менинг овозим — Ватаним келажаги” акцияси доирасидаги тадбирларда бу фикрлар ўз тасдиғини топмоқда.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларнинг сиёсий жараёнларга нисбатан мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, ёш сайловчилар, жумладан, сайловда биринчи марта қатнашадиган 555 минг нафардан зиёд йигит-қизларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказмоқда. Бундай тадбирлар юртимизнинг ҳар бир шаҳару туманида, таълим муассасалари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилаяпти.

— Ўзим ва тенгдошларим мамлакатимиз келажаги учун ғоятда муҳим саналган сайловда биринчи марта иштирок этамиз, — дейди Тошкент шаҳридаги Инҳа университети талабаси Равшан Тўлаганов. — Мен ҳам ҳар бир номзоднинг Сайловолди дастури билан атрофлича танишиб чиқдим. Тўғрисини айтсам, сайлов куни яқинлашгани сайин масъулият ва ҳаяжоним ортмоқда. Конституциямизда белгиланган ҳуқуқимдан фойдаланиб, эртанги тараққиётимиз учун овоз беришдан фахрланаман.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, сайловда илк бор овоз берадиган ёшлар олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таҳсил олишини назарда тутган ҳолда, мазкур масканлар учун 4 соатга мўлжалланган махсус ўқув дастури тайёрланди ҳамда шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мавзуида машғулотлар олиб борилмоқда.

— Олий таълим муассасаларида ўтказилаётган ахборот ва мураббийлик соатлари, Маънавият куни тадбирларида талабаларнинг сайловга оид билимларини бойитишга алоҳида аҳамият берилмоқда, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Акбар Эшмуродов. — Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари томонидан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларга киритилган ўзгартишлар мазмун-моҳияти, сайловда илк бор иштирок этадиган ёшлар учун овоз бериш қоидаларини тушунтиришга бағишланган 150 дан зиёд учрашувлар ҳамда ўқув машғулотлари ўтказилди. Мазкур тадбирларга йигирма беш мингга яқин талабалар жалб этилди. Бундан ташқари, талабаларнинг сайлов ҳуқуқи ва жараёнига оид билимлари бўйича курс ишлари, рефератлар танлови уюштирилмоқда.

Мамлакатимиздаги университет ва институтларда ташкил этилган 57 та сайлов участкасида ҳам сайловга бағишланган учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказилмоқда ва ҳозирги кунга қадар бундай тадбирларда 18 мингга яқин сайловчилар қатнашди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Манзура Маҳмадўстова эса пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 643-сайлов участкасида овоз беришини, яқинда ушбу сайлов участкасига бориб, у ерда сайловчилар учун барча шарт-шароит яратилганига гувоҳ бўлгани, шахсан ўзи сайлов қонунчилигига оид маълумотлар, сайловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги тарғибот материаллари билан танишганини таъкидлади.

— Жорий йил 4 декабрь куни ўтказиладиган сайлов мен учун унутилмас воқеа бўлиб қолади, — дейди у. — Шу куни Ватанимиз тинчлиги ва унинг келгуси равнақи учун овоз бераман. Университетимиз ҳамда маҳалламизда ўтказилган тадбирларда иштирок этиш асносида орзу-истакларимнинг рўёбга чиқиши, она Ватанимизнинг тобора гуллаб-яшнашида менинг овозим ҳам муҳим эканини янада чуқур ҳис қилдим.

— Президентликка номзодлар сайловолди ташвиқотини олиб боришда интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқлардан ҳам унумли фойдаланмоқда, — дейди Ўзбекистон Миллий университети талабаси Зарнигор Равшанова. — Партияларнинг ўзаро сиёсий кураш олиб бориш тажрибасидаги бу янгилик диққатимизни тортаяпти. Мен ва кўплаб курсдошларим интернет орқали номзодларнинг дастурлари, партияларнинг ғоя-мақсадлари билан танишдик. Бу дастурларда илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни таҳлил қилган ҳолда, ўзим энг муносиб, деб билган номзодга овоз бераман.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**АНЖУМАН**

Пойтахтимизда “Таълим, фан ва ишлаб чиқаришда фармациянинг долзарб муаммолари” мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

# Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси

## фармацевтика соҳаси ривожида муҳим омил бўлмоқда

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби давлатларнинг етакчи олимлари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, фармакология соҳаси мутахассислари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Юртимизда фармацевтика саноати йилдан-йилга ривожланиб бораётгани, бунда соҳанинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

— Фармацевтика соҳасида таълим, фан ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштириш долзарб ҳисобланади, — дейди Тошкент фармацевтика институти илмий-тадқиқот ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш бўлими бошлиғи Нодира Фармонова. — Ушбу анъанавий тадбирда бу борадаги мавжуд имкониятлар, соҳадаги янгиликлар, ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Кадрлар тайёрлаш ва улар салоҳиятини юксалтириш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айтиш жоизки, ҳозирги пайтга қадар институтнинг йигирма нафарга яқин ходимлари, шунингдек, кўплаб талабалар бир қатор хорижий давлатларда малака оширишди. Бу борадаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш имконини кенгайтиришда эса мана бундай мулоқотларнинг ўрни беқиёс.

Тадбирда қайд этилганидек, Тошкент фармацевтика ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтлари етук мутахассисларни тайёрлаш ҳамда уларнинг интилишларини рағбатлантиришда фаоллик кўрсатиб келаяпти. Муҳими, ушбу муассасаларда назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланаётгани ўз самараларини бераётир.

— Юртингизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ, — дейди Жанубий Кореянинг Чунгбук Миллий университети профессори Ёнг Мун Ли. — Тиббиёт марказлари замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Жумладан, тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар билан дори воситаларининг сифати, хавфсизлиги ҳамда самарадорлиги, фармацевтика фаолияти устидан давлат назорати амалга оширилиши диққатимни тортди. Бу инсон саломатлиги йўлидаги эзгу ишлардан биридир. Мамлакатингизга ташрифимиз бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш учун яхши имконият яратади.

Анжуманда фармацевтиканинг долзарб муаммолари, таълим, фан ҳамда ишлаб чиқариш интеграцияси, фундаментал ва амалий тадқиқотлар ютуқларини иқтисодиётнинг реал секторига татбиқ этишга кўмаклашиш, янги дори воситалари яратишга доир мавзуларда маърузалар тингланди.

Икки кун давом этган тадбир доирасида қатнашчилар юртимизнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, у ерда амалга оширилаётган улкан ободончилик ва бунёдкорлик ишлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

# МДҲ кузатувчилар миссияси ўз фаолиятини бошлади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

МДҲ миссиясининг узоқ муддатли кузатувчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёни билан ҳам таништирилди. Номзодларга сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратилгани қайд этилди.

Учрашувда МДҲ кузатувчилари фаолиятини мувофиқлаштириш учун Тошкент шаҳрида МДҲ кузатувчилари фаолиятини таъминлаш бўйича миссия штаби фаолият кўрсатиши ва кузатувни ташкил этиш билан боғлиқ зарур тадбирларни ўтказиши таъкидланди. Сайлов жараёни қандай бораётгани тўғрисида материаллар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш, сайлов қонунчилигини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, теле- ва радиоканаллардаги ахборот дастурлари ҳамда кўрсатувларни, шунингдек, босма оммавий ахборот воситаларини мониторинг қилиш, номзодларнинг сайловолди штабларида учрашувлар ўтказиш миссия штабининг асосий вазифалари ҳисобланади.

— МДҲ миссияси Ўзбекистонда ўтказилган сайловларни кузатишда бир неча маротаба иштирок этган, — дейди МДҲ Ижроқўми бўлим бошлиғи Евгений Слобода журналистлар билан мулоқоти чоғида. — Марказий сайлов комиссияси томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ишларни алоҳида эътироф этишни истардим. Комиссия томонидан иш усул ва шакллари такомиллаштирилган, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси очиқлигини таъминлаш чоралари кўрилган. Жорий қилинган янгиликлар орасида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури қабул қилинганини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиз. Унга мувофиқ, жойларда кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда. Бу сайловни юксак савияда ташкил этиш учун шароит яратишга хизмат қилади. Биз яқин кунларда Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлигида учрашувлар ўтказишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, республиканинг қатор ҳудудларига, хусусан, Хоразм, Самарқанд, Тошкент вилоятларига ташриф буюришни мўлжаллаяпмиз. Миссия сайлов жараёнининг тўлиқ мониторингини олиб боради. Кузатув натижаларига оид якуний ҳужжат овоз беришнинг эртасигаёқ эълон қилинади. Миссия хулосалари ўз кузатувларимизга асосланади ва умумэътироф этилган демократик қоидалар, миллий қонунчилик талабларига риоя этилишига холис баҳо берилади.

Тадбирда МДҲ кузатувчилар миссияси аъзоларига белгиланган намунадаги мандатлар тарқатилди. Бу уларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ҳамда овозларни санаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқини беради.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Халқимиз тафаккурининг маҳсули

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — мустақил давлатимизнинг Асосий Қонуни сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, демократик ислоҳотлар ва янгиланишларга мустаҳкам ҳуқуқий замин сифатида хизмат қилмоқда.

**ТАДБИР**

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: “Конституциямиз ўз мазмун-моҳиятига кўра халқимиз тафаккурининг маҳсули бўлиб, у давлатни давлат, миллатни миллат сифатида танитадиган қомусномадир. Унинг барча моддалари дунёда умумэътироф этилган тамойиллар, халқаро ҳуқуқ нормалари ва бошқа бир қатор халқаро ҳужжатлардаги умуминсоний тамойиллар мазмуни билан суғорилган”.

Конституциямиз жамият ҳаётининг барча соҳасидаги самарали ислоҳотлар қаторида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, улар фаолиятини ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки ҳамда мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссасини кучайтиришга имкон яратди.

Бу ҳақда Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан “Конституция — буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати” мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллиги муносабати билан уюштирилган мазкур анжуманда ҳуқуқшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ёшларимизни Асосий Қонунимизни янада чуқур ўрганишга ундашдир, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси Суннатилла Собоҳитдинов. — Шу боис бугун уларга Конституциямиз мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча соҳасини изчил либераллаштириш ва модернизация қилиш ҳамда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини амалга татбиқ этишда мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилаётганлиги ҳақида маълумотлар берилди.

Иштирокчилар бу каби тадбирлар маънавий-маърифий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СЕМИНАР**

Бухоро шаҳрида Фуқаро авиацияси “Аэропорт” ассоциацияси аэродром-техник қўмитасининг илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Унда Россия, Беларусь Республикаси, Латвия давлатлари ҳамда мамлакатимиз шаҳарларидаги аэропортлар раҳбар ва мутахассислари қатнашди.

# Мақсад — парвозлар хавфсизлигини таъминлаш

Тадбирда таъкидланганидек, парвозлар хавфсизлиги, қулайлик ва юқори даражадаги сифатли хизмат “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси, жумладан, “Бухоро” халқаро аэропортининг ўзига хос “ташриф қоғози” саналади. Соҳа ютуқлари замирида эса давлатимизнинг доимий эътибори мужассам. Аэропортлар техник парки янгиланаётгани, ҳаво лайнерларига кўрсатилаётган хизматлар такомиллаштирилаётгани, инфратузилма ривожланаётгани, юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий ёндашилаётгани бунинг далилидир. Айни пайтда “Бухоро” халқаро аэропорти дунёнинг йирик авиакомпаниялари самолётларини қабул қилиб, уларга жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатмоқда.

— Семинаримизни айнан Ўзбекистонда, қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрида ташкил этишимиз бежиз эмас, — дейди Фуқаро авиацияси “Аэропорт” ассоциациясининг техник директори Юрий Синько. — Бу ерда парвозлар хавфсизлигини таъминлаган ҳолда, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида бой тажриба тўпланган. “Бухоро” халқаро аэропорти ассоциациямиз томонидан ўтказиб келинаётган танловларда турли номинациялар бўйича бир неча бор ғолиб чиққани ҳам кўп нарсадан дарак беради.

Тадбирда ҳаво лайнерларига техник хизмат кўрсатиш, аэропортларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш каби қатор масалалар юзасидан маърузалар қилинди, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш борасида ўзаро тажриба алмашилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Муносиб меҳнат дастури ва истиқбол

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки иштирокида "Ўзбекистон Республикасида Муносиб меҳнат дастурининг амалга оширилиши ҳолати ва истиқболлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

## ДАВРА СУҲБАТИ

Унда вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси, Халқаро иш берувчилар ташкилоти, БМТ Тараққиёт дастури, ЕХҲТ, ЮНИСЕФ ҳамда дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Халқаро меҳнат ташкилоти билан кўп қиррали ҳамкорликни изчил йўлга қўйгани алоҳида таъкидланди. Бу борада ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисидаги Меморандум ва 2014 — 2016 йиллар учун мўлжалланган Муносиб меҳнат бўйича Ўзбекистон Республикаси дастури асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун унда белгиланган вазифалар ижроси доирасида муайян натижаларга эришилаяпти. Хусусан, ижтимоий-меҳнат муносабатларига доир норматив-ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда. Яқинда эса Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-конвенцияси ратификация қилинди. Ўзбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига қўшимчалар киритилди, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Натижада нафақат ходимлар, балки иш берувчилар учун ҳам ташкилотга бирлашиш ҳуқуқи қонуний мустаҳкамланди. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланувчи ходимлар учун касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи таъминланиб, хусусий секторда меҳнат қилувчи шахслар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя этиш самарадорлиги оширилди. Айни чоғда юридик шахс мақомига эга бўлмаган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари учун жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқи кафолатланди.

Давра суҳбатида дастурдан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллар ва ҳуқуқларни самарали таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишлар бўйича ҳам сўз юритилди. Жумладан, ҳукуматимиз томонидан 2016 — 2018 йилларда қишлоқ хўжалигидаги ходимлар меҳнат шароитлари, бандлиги ва ижтимоий ҳимоясини такомиллаштириш масалалари бўйича тадбирлар режаси тасдиқланиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, ижтимоий шериклар, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки билан биргаликда қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилди.

Иштирокчилар томонидан Муносиб меҳнат дастури доирасида аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятларини янада кенгайтиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Жумладан, республика ҳукумати ва парламенти томонидан ҳар йили Иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилиниб, ҳаётга йўналтирилмоқда. Унда барқарор янги иш ўринларини яратишга катта эътибор қаратилган. Энг аввало, ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва вақтинча банд бўлмаган инсонларнинг мутахассисликлари бўйича меҳнат бозори эҳтиёжлари ўрганилмоқда.

Касаба уюшмалари ва иш берувчи ташкилотлар имкониятларини янада кенгайтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўрилаётгани ҳам давра суҳбати қатнашчилари диққат-марказида бўлди. Хусусан, ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун Бюроси кўмагида "Ўзбекистонда касаба уюшмалари ўқуви тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилаётир. Мазкур лойиҳа доирасида 35 нафар тренер-ўқитувчи тайёрланди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг 40 нафар вакили ХМТ томонидан хорижий давлатларда ўтказилган тадбирларда иштирок этди.

Халқаро ташкилотлар вакиллари мамлакатимизда ХМТ конвенциялари ижроси доирасидаги ишлар ва Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ташкилотлар билан олиб бораётган конструктив алоқаларини ижобий баҳоладилар.

Якунда Ўзбекистоннинг ХМТ ва Жаҳон банки билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Мулкдорлик фаолиятининг қонуний асоси

***Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.***

(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 36-моддаси).

"Тадбиркор", "мулкдор" деган тушунчалар ҳаётимизга истиқлол шарофати билан қайта кириб келиб, аҳолининг ишбилармонлик қобилияти юзага чиқди. Натижада тадбиркорлик ҳаракати жадал суръатларда ривожланиб, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Бу давлатимиз томонидан бизнес юритиш учун ҳуқуқий асослар ва қулай шарт-шароитлар яратилгани самарасидир.

Юртимизда фуқароларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи, энг аввало, Асосий Қонунимизда кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши ёзиб қўйилган.

Тадбиркорлар ана шундай бекиёс имтиёзлардан оқилона фойдаланиб, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, айни пайтда экспорт салоҳиятини оширишда тобора муҳим роль ўйнаяпти. Биргина 2016 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улуши 54,6 фоиз, саноатда 43,8 фоиз, инвестицияларда 38,3 фоиз, чакана савдо айланмасида 89,9 фоиз ва бандликда 77,8 фоизга етгани шундай дейишимизга тўла асос бўлади.

Хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий ҳамда амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами йил сайин кенгаймоқда. Бу борада сўз юритилганда, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сабаби, ушбу Қонунга мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча жиҳатига тааллуқли 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур ҳужжатлар хусусий мулкни эркин ривожлантириш, тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятига давлат, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат органларининг асоссиз аралашувидан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирди. Ҳозирги кунда мулкни рўйхатга олиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия олиш, қурилишга рухсат бериш ва электр таъминоти тармоқларига уланишда "ягона дарча" тамойили айни муддао бўлаётир. Бундан ташқари, солиқ ва статистика ҳисоботларини тақдим этиш механизмлари соддалаштирилгани туфайли ишбилармонларнинг қарийб барчаси бундай ҳисоботлар топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки электрон шаклда амалга оширмоқда.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланган.

Таъкидлаш керакки, хусусий мулк, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури доирасида қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани ташкил этиш ҳамда уни такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилаяпти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида товарларни (ишлар, хизматлар) электрон тижорат шаклида сотишни тартибга соладиган Электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари тасдиқланди.

Шу билан бирга, қурилишнинг барча босқичида тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари доирасида ягона қоида ва талаблар белгиланди, бино ва иншоотлар ташқи кўринишини ўзгартириш, объектларни қайта ихтисослаштириш ҳамда реконструкция қилишга, шунингдек, тураржойларни нотураржойлар тоифасига ўтказишга рухсат бериш талаблари жорий қилинди.

